




ТОШКЕНТ О'QUJOMI



ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 38 (9.688) 2002 йил 3 апрель, чоршанба

Сотувда эркин нархда



Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар

Дунёда ёши минг йиллар билан ўлчанадиган шаҳарлар сони санокли. Қадимий кентлари билан Фахрланадиган, уларни бугунги авлодларга кўз-кўз қилиш бахтига мўъассар халқлар ҳам кўп эмас. Бундай саодатга эришган халқлар жаҳон цивилизацияси ривожига тамал тошини қўйган, инсониятнинг илк тарихини яратган. Не бахтки, ўзбеклар ана шундай халқлар сирасига қиради. Мамлакатимизда ёши неча минг йилларга тенг Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз каби шаҳарлар талайгина.

2 апрель куни Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантаналарда иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари шаҳарда кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақидаги қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида шаҳарда улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишлар «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллигини нишонлаш арафасида бошланган эзгу амалларнинг давоми бўлди.

Султон Саодат ёдгорлик мажмуи бутунлай қайта таъмирланди.

Шўро замонида бу муқаддас зиёратгоҳ ташландиқ ҳолга келиб қолган. Истиқлол шарофати ва Президентимизнинг ташаббуси билан неча минг йиллик қадриятларимиз, буюк аждодларимиз хотираси ва меросини тиклашга катта эътибор қаратилиши натижаси ўларок, Султон Саодат мажмуи ҳам обод зиёратгоҳга айланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу обида, шунингдек, Ҳаким Термизий макбарасини зиёрат қилар экан, бундай ёдгорликлар бизга ўтмиши ёруғ ва келажаги буюк халқ эканимизни эслатиб туриши билан бирга, янги-янги бунёдкорлик ишларига қорловчи ўзига хос бебаҳо маънавий мерос эканини таъкидлади.

Термиз Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаси ҳисобланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ривожланиб, халқаро интеграция жараёни кучайиб бораётгани қадим шаҳарнинг бу мавқеи қайта тикланишига муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жараёнда Термиз темир йўлининг аҳамияти янада ортаётди. Янги темир йўл вокзалининг фойдаланишга топширилиши шаҳарнинг 2500 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлди. Воҳанинг ўзига хос иқлим шароитини ҳисобга олиб бунёд этилган ушбу иншоот замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

Президентимиз шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан барпо этилган Археология музейини ҳам бориб кўрди. Эътиборли томони шундаки, мазкур музей собиқ иттифок ҳудудига ягона ҳисобланади. Музей биносини Шарқ ва замонавий меъморчиликнинг ўзаро уйғунлиги тимсоли дейиш мумкин. Музейга Сурхон заминидан топилган ноёб



археологик топилмалар қўйилган. Бу ердаги минглаб экспонатлар ўлкамизнинг қадимий маданияти, Термизнинг жаҳон цивилизацияси тарихида тугган нуфузли ўрнидан сўзлайди. Қадимий Кушонлар шаҳзадаси, жангчилар ҳайкаллари, шунингдек, Фаёзтепадан топилган ванна дўненинг манаман деган машҳур музейлари ҳавасини келтириши шубҳасиз. Музейдаги буддавийлик даврига оид топилмалар бу дин Хитой ва Япония каби мамлакатларга ҳам худди шу заминдан бorganдан далолат беради.

Шаҳар юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтадиган «Алпомиш» стадиони байрамона безатилган. Ундан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ташриф буюрган меҳмонлар, хорижий олимлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари жой олган.

Президент Ислам Каримов байрам ўтадиган майдонга кириб келди. Йилгиланган давлатимиз раҳбарини давоми қарсақлар билан қутиб олди.

Юбилейга бағишланган маросимни Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Қодиров очди.

Маросимда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

(Давлатимиз раҳбари нутқининг тўлиқ матни бугунги марказий газеталарда ёритилди)

— Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, — деди давлатимиз раҳбари, — минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият



ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз мўқарар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, Термиз ҳам инсониятнинг ана шундай энг қадимий шаҳарларидан биридир. Аммо фақат ҳақиқий истиқлолга эришганидан кейингина бу заминнинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига кенг йўл очилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида фидокорона меҳнат қилётган бугунги Сурхондарё ахлининг яратувчилик ишларига юксак баҳо берди. Шаҳар юбилейи муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этганларнинг барчасига миннатдорлик билдирди.

Маросимда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, Зулфия номидаги давлат муқофоти совриндори, Термиздаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси Манзура Холмирзаева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тошмомир Мухаммадиев, жарқурғонлик меҳнат фахрийси Рузи Алиқулов сўзга чиқди.

Маросим театрлашган байрам томошаси билан якунланди.

Анвар КАРИМОВ,

Чори ТЎХТАЕВ,

ЎЗА МУХБИРЛАРИ.

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар. Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пул массасини бошқаришни такомиллаштириш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш, молия интизомига риоя этиш ва олинган кредитларни ўз вақтида қайтариш масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2002 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларини муомалага чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари давлат қимматли қозғалари ҳисобланади ва юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг ликвидлиги Марказий банк тасарруфидagi барча активлар билан таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Марказий банк облигацияларини чиқаришнинг асосий шартларини бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда тегишли норматив-методик ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқласин;

пул массасини тезкор бошқариш мақсадида валюта ва пул депозитлари, давлат қимматли қозғалари ва бошқа биринчи тоифали активлар таъминоти остида, пул бозоридида аўжудга келаятган фойз ставкалари асосида тижорат банклари учун ойгача бўлган мuddатда кредитлар берсин ва жалб қилсин.

3. Ўзбекистон Банклар уюшмаси, тижорат банкларининг пластик карточалар бўйича миллий ва хорижий валютада ҳисоб-китоблар ўтказишни таъминловчи Ягона банклараро процессинг марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Тижорат банклари пластик карточалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган банкоматлар ва жиҳозларни импорт қилишда боҳжона тўловлари (боҳжонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан 2005 йил 1 январгача озод қилинсин.

4. Тижорат банклари:

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда иш ҳақи тўлашда, чакана савдонинг амалга оширишда, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловда яқка тартибдаги ва корпоратив пластик карточаларни кенг жорий этиш, аҳолига хизмат кўрсатувчи минибанклар, банк сасалари ва банкоматлар тармоғини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсин;

ликвидли мол-мулкларини, шу жумладан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини, транспорт воситаларини ҳамда корхона ва ташкилотларнинг бошқа ликвидли активларини гаровга қўйган ҳолда кредитлар бериш амалиётини кенгайтирсин;

кредитлар беришда таваққулчилик ва гаровнинг бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қайтарилиш, мuddатлилик ва ўзини ўзи қоплаш таъминиларига қатъий риоя қилсин;

кредитлар мuddатини узайтириш амалиётини кескин чекласин, фақат кечиктирилган мuddат даврида қайтарилиши учун маблағлар тушушининг аниқ манбалари бўлган кредитларнинг тўлов мuddатини кечиктиришга рухсат берсин.

5. Белгилансинки, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредит бўйича уларнинг мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъи назар, кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан банк мулкига ўтади.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредитлар бўйича қарзлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда тижорат банклари:

қарздорларнинг иккиламчи ҳисоб рақамига, шу жумладан уларнинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисоб рақамига ижро этилиши мажбурий бўлган

инкасса талаблари қўйиш; Ҳукумат қафолати остида берилган кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун пул маблағларини ҳисобдан чиқаришни иш ҳақи, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар навбати билан ўтказилган сўнг амалга ошириш; қарздорнинг пул маблағлари етишмаган тақдирда кредит бўйича қарзларни қарздорнинг розилигига қўра унинг ликвидли мол-мулк хисобидан ёки ҳўжалик суди орқали қарздорнинг мол-мулкига қаратиш йўли билан ундириш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди банк кредитлари бўйича қарзлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда ундиришни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини бир ой мuddатда ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига қиритсинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига кредит ресурслари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ва амалга ошириш бўйича қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳамда қарз маблағларининг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда Молия вазирлиги томонидан тижорат банклари кредитларининг таъминоти учун берилган қафолатларни бажариш механизми тўғрисидаги Нишони бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

аҳолининг банклардаги омонатларини қафолатлашнинг ягона шартларини шакллантириш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида янги ташкил этилаётган ҳусусий тижорат банклари устас капиталнинг энг кам миқдорига бўлган талабни 1,25 млн. АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентини ҳаҳмида белгиласин;

2002 йилнинг 1 июндан бошлаб тижорат банклари томонидан ўз маблағларини ва жалб этилган маблағларини ички активларга жойлаштириш икдори тўланган устас капитални ва банкнинг ички мажбуриятлари миқдоридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги талабни жорий этсин.

8. Ҳўжалик юритувчи субъектларга шакллантирилган устас жамғармаси миқдоридан ортиқ бўлмаган ҳаҳмда ўз облигацияларини чиқариш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва заирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йилнинг иккинчи ярминдан бошлаб ҳўжалик юритувчи субъектларнинг биринчи навбатда республиканинг молиявий аҳоли барқарор, юқори ликвидли активларга ва катта миқдордаги пул оқимларига эга бўлган йирик корхоналари ва компанияларининг корпоратив облигацияларини чиқариш чора-тадбирларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар қиритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 30 март.

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 3 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинад.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг КАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни мuddатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги қақриш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан захирага бўшатилин.

2. 1975-1984 йилларда тузилган, қақриқ мuddатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг апрель-май ойларида мuddатли ҳарбий ва муқобил хизматга қақрилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучларни қақрилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги қақриш комиссияларининг ҳар томонлама таъминлашини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов) билан биргаликда қақриш уастакларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, қақрилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ва уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

XXI сақоси асри

Барча маббалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• **Эртага** ўз ишини бошлайдиган иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди.

• **Кеча** Олий Мажлисининг қўмита ва комиссияларида, партия фракцияларида иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама-сига бағишланган мажлислар бўлиб ўтди.

• **Абдулла Қодирий** номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани «Баркамол авлодни шакллантиришда миллий истиқлол гоёси ва маънавиятнинг роли» мавзуга бағишланди.

• **Бугун** Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг «Биллур» залида «Озик-овқат маҳсулотла-

ри, ичимликлар, қадоқлаш ва ишлаб чиқариш технологияси» — «Интерфуд Ўзбекистон — 2002» халқаро кўргазмаси очилди. Иккинчи бор ўтказилаётган ва 5 апрелгача давом этадиган ушбу кўргазмани Буюк Британиянинг ITE Group PLC компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesla-Osiyo компанияси ташкил этган.

• **Кеча** Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг гидроинформатика ва сув ресурслари ўқув марказида олий ўқув юрти талабаларининг NRMP лойиҳасини Ўзбекистонда амалга оширувчи вакиллар билан учрашуви бўлиб ўтди.

• **Жаҳонда**

• Германиянинг Штутгарт шаҳрида «Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилиги: тарих ва замонавийлик» мавзусида кўргазма очилди. Унда Ўзбекистоннинг ҳунарманд усталари иштирок этишмоқда.

• **Кеча** Сочида Россия Федерацияси Президенти В.Путин ва Италия Бош вазири С.Берлусконининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. **Бугун** Москвада Россия — Италия расмий музокара-лари бўлиб ўтади.

• Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда бўлиб ўтган Ислам Ташкилот конференцияси саммитида 56 ислом мамлакатларининг вакиллари қабул қилган резолюцияда «Исроилнинг ҳаракатлари Яқин Шарқни урушга тортаётганлиги» баён этилди.

• Фаластин мухториятининг раҳбари Ёсир Арафот Исроилнинг уни Рамаллоҳда қароргоҳини тарк этиш ва амалда сургунга кетиш тўғрисидаги таклифини рад этди.

• Исроил армиясининг вакиллари Ёсир Арафотнинг Рамаллоҳдаги қароргоҳи ҳудудига тақиқланганига қарамай қиришга уринган бир неча хорижий журналистларни хибсга олганликларини айтдилар. Хибсга олганларни катта миқдордаги жарима-лар ва аккредитациядан маҳрум қилиш қутмоқда.

• Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игорь Иванов **бугун** ва **эртага** расмий ташрифи билан Марокка ва Тунисда бўлади. Ушбу учрашув икки давлат ташқи ишлар вазирларининг Россияга бўлган ташрифига жавобан уюштирилмоқда.

• Америка ҳарбийлари Афғонистонда номаълум мuddатга қолади. Бу ҳақда АҚШ Президенти вакили хабар тарқатган. Унинг айтишича, Америка Афғонистонга тинчликпарвар кучлар юборишни режалаштирмаган, лекин айни пайтда мамлакатдаги жанговар қўшинлар олиб чиқилмади. Улар афғон армияси аскарларига «Ал-Қоида» экстремистик ташкилотига қарашли жангариларга қарши амалиётлар олиб боришни ўргатадилар.

• Афғонистонда халқ ассамблеясининг фавқулодда мажлиси — Лойя Жирғани қақриш куни аниқ бўлди. Лойя Жирғани қақриш бўйича қўмита раиси Исмоил Қосимийнинг маълум қилишича, умумафгон қурултойи 10-16 июнь кунлари Қобулда бўлади. Лойя Жирға мажлисини 29 йилдан буён қувғинда яшаётган, апрель ойи охирида ватанига қайтишни режалаштираётган Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ очди.

• **Кеча** халқаро Гаага трибуна-ли Руанда давлати бўйича суд жараёни-ни бошлади.

ТАДБИРКОР

Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг саҳифаси

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сони ортиб, кичик ва ўрта бизнес корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардорлиги билан хари-доргир бўлиб бормоқда. Уларни қўллаб-қувватлашда эса туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўзига хос роли бор. Сўхбатдошимиз, палата раиси Хайрулла ХОЛЖУЖА-ЕВГА бир нечта саволлар билан муножжат этдик.

— Хайрулла ака, бугун туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳукуматимиз кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Ана шу имкониятлардан қўлчилик тадбиркорларимиз оқилона фойдаланишга интилишмоқда. Бу борада уларга палатамиз ҳодимлари ҳам яқиндан ёрдам берапти. Жумладан, ўтган йил давомида ҳам палатамиз томонидан тадбиркорларга турли хизматлар кўрсатиш, манфаатларини ҳимоя қилиш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ишлари давом эттирилди.

Туман ҳудудидида кичик ва ўрта бизнесга мансуб 2026 та ҳўжалик иш юритувчи субъектлар палата аъзолигига қабул қилинган. Булардан 123 таси ўрта, 384 таси кичик ва 1519 таси микрофирмаларни ташкил этади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг туман ялли ички маҳсулотидидаги улуши 41,8 фоизни ташкил этади. Шунингдек, палата аъзолигига 1219 нафар яқна тартибда фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорлар жалб этилган.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда оид қарорлар қабул қилиниши билан тадбиркорликнинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди, натижада туманимизда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ташкил этилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28 фоизга ошди, яъни режадаги 280 тадан анча ортиқ корхона рўйхатга олинди. Натижада 4 мингта яқин янги иш жойлари яратиш имконияти туғилди.

— Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишда палатанинг қандай ҳиссаси бўлмоқда?

— Асосий вазифаларимиздан бири тадбиркорларнинг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ривожланишга ҳалокит бераётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг манфаатларини давлат органлари олдидида ҳимоя қилишдан иборат. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида палата томонидан тадбиркорларга 1200 тадан ортиқ «Текширувларни қайд этиш китоби» тарқатилди ва шу қўнларда яна унинг 500 нусхаси янги очилаётган корхоналарга тарқатилмоқда. Бунинг натижасида тадбиркорлар ишига ноконуний аралашилар бирмунча камайди. Шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқини ҳимоя қилиш борадида ҳуқуқшуносимиз иштирокида «Ал-котель» корхонасининг манфаати ҳўжалик судида ҳимоя қилинди, «Устаси Паранг» хусусий корхонаси санитар милицияси, «Зафар» қўшма корхонаси ноконуний текширувлардан ҳимояланди.

Тадбиркорларимизни ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратиб, «Контраст» адвокатлар бюроси ва шаҳар адвокатлар коллегии билан шартномалар тузганмиз. Ўтган йилда малакали ҳуқуқшунослар тумандаги 300 нафардан ортиқ корхона раҳбарлари ва тадбир-

корларга керакли маслаҳатлар беришди. Натижада «Алек-сандр-маркет» хусусий фирмаси, «Виртех-Транс» ва «Асад-Дино» масъулияти чекланган жамиятларининг муаммолари ҳўжалик суди жараёнига етказмасдан ҳал этилди. Палатамиз қошида ташкил этилган «Ишонч телефони»га ўтган йилда 253 та қўнғироқ бўлди, буларнинг ярми юридик мақомига эга ва яқна тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан машғул фуқароларни солиққа тортиш тартибидидаги ўзгаришлар, қатъий солиқ ставкалари, ижара ҳақлари хусусида бўлиб, мутахассисларимиз уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳатлар беришди. Ҳуқуқий, маркетинг ва консалтинг хизматлари кўрсатиш мақсадида палатамиз қошида «Баҳариш» ахборот-маслаҳат хизмати фаолият кўрсатмоқда.

— Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш борадида амалга оширилган ишлар хусусида нима дея оласиз?

— Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиявий таъминлаш борадида тадбиркорлар орасида кредит лойиҳалари-рини топиш ва амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Жумладан, «Ол-Плест-Осиё» хусусий фирмасига ун ишлаб чиқариш дастгоҳи сотиб олиш учун 550 минг немис маркаси, «Ромсервис» масъулияти чекланган жамиятига қурилиш матери-аллари ишлаб чиқариш-ни кенгайтириш учун 600 минг АҚШ долларини миқдоридида кредит ажратилишига эришилди. Ўтган йил мобайнида тижорат банклари томонидан тумандаги кичик ва

ўрта бизнес корхоналарига 851,4 миллион сўм ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Албатта, ушбу маблағлар кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан янги замонавий технологиялар сотиб олишга, унинг асосида рақобатбардор ва импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сарфланаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

— Тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борадида нималарга эътибор қаратилган?

— Палата мунтазам равишда ҳар чорак якунида семинарлар ташкил этишда ва ушбу анжуманларга таширф бюрган тадбиркорлар саволларига жавоб топиш билан бирга, ўз тажрибалари билан ҳам ўртоқлашадилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакики, ўтган йил мобайнида 20 та корхона раҳбари, 40 нафар ҳисобчи ҳамда 25 нафар янги иш бошлаётган тадбиркорлар қисқа муддатли курсларда таҳсил олиб, малакаларини оширдилар. Шунингдек, туман тадбиркорлик тизими фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлашда шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи гуруҳининг аъзолари билан бир қатор учрашувлар ўтказиб боришмоқда. Хорижий шериклар топиш, улар билан биргаликда фаолият кўрсатиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Жанубий Корея ва Бельгия бизнесменлари билан учрашув ўтказилди. Бу учрашув тадбиркорларимиз учун ўз самарасини берди. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, туманда ҳар йили ўтказилаётган «Ташаббус» қўриқ-танлови ва аънаъга айланиб қолган Тошкент савдо-саноат ярмаркаси тадбиркорларимиз фаолиятларида алоҳида сабоқ бўлмоқда.

Палатамиз ҳодимлари тумандаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ривожланиши йўлида қўмақ берад эканлар, ҳаммиса кичик ва ўрта бизнеснинг равнақи бу мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини эътиборда тутадилар. **Сўхбатдош Шарифа ИЛЁСОВА**



ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Харидорини топади

Шаҳримизнинг Миробод туманида фаолият кўрсатаётган «ТАВОН» хусусий корхонаси тадбиркорлари туман «Ташаббус-2002» қўриқ-танловида «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлишди, танловнинг пойтахт босқичида эса фарри иккинчи ўрин эгаси деб топилдилар.

Корхонанинг фаолият кўрсатаётганига эндигина бир йилдан ошди, холос. Лекин мана шу қисқа давр ичида бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорини топаганини қувонарлиқдир. Бунга асосий сабаб эса Эрон давлатидан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхона цехларида хорижийкидан асло қолишмай-диган, бозор талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотларни тайёрлаш йўлига қўйилганидир.

Авалгига 4 ҳодим билан иш бошлаган хусусий тадбиркор Саидмахмуд Маҳмадалиев ҳалқимиз дастурхони учун бир неча турдаги қарамеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кейинчалик эса изланиш натижасида эронлик ҳамкорлар билан алоқа мустаҳкамланди. Ҳодимларнинг бир нечтаси шу давлатда малакаларини ошириб қайтдилар.

— Бугунги кунга келиб ишчиларимизнинг сони қўшимча иш ўринлари яратилиши ҳисобига 30 нафардан ортиб кетди, — дейди хусусий корхона раҳбари Саидмахмуд Маҳмадалиев. — Маҳсулотларимизнинг ҳам турлари кўпайиб 10 хилдан ортибди. Айниқса, оғизда эрийдиган қат-қатли ширинликларимизнинг харидорлари ошиб бормоқда. Шунингдек бежирим қадокланган кекслар ҳамда торт маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқараёғимиз. Шуниси қувонар-

лики, 90 фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобига ишляяғимиз. Ишимизда энг муҳими сифатга эътибор эканлигини ҳар бир ҳодим жуда яқини биледи. Мақсадимиз эса ҳалқимизга хориждан келтирилган ширинликларнинг ўрнини босадиган, шу билан бирга нархи улардан арзон, лекин сифатли маҳсулотлар етказиб беришдир.

Ҳозирда хусусий корхонанинг 4 та цехида иш қизиган давом этмоқда. Айниқса, Маъмура Рўзибоева, Илмира Гапурина, Хикматулла Файзиев, Барно Абсаматова сингари ширинлик усталарининг хориж дастгоҳларида тез ва соз ишлашлари ўз самарасини бермоқда. Баракали меҳнат натижасида кунига 600-700 килограмм маҳсулот тайёрланмоқда. Албатта, ушбу ширинликларни тайёрлашда ўлкамизнинг мева-ларидан самарали фойдаланилаётгани хари-дорларга ҳам маъқул келяпти.

«ТАВОН»чиларнинг келгуси режалари ҳам бисёр. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ортириш, турларини янада кўпайтириш мақсадида янги цехлар очиш, уларни хорижий дастгоҳлар билан жиҳозлаш, ёшларни иш билан таъминлашни кўзда тутганлар. Шунингдек, маҳсулотнинг қадокланишига алоҳида эътибор қаратилиб, уни қўшни давлатлар — Қозғоғистон ва Туркменистонга экспорт қилиш ниятлари ҳам бор. Чунки ҳозирда ушбу давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

— Юртимизда тадбиркорларга яратилаётган бугунги шайорлар бизга мадад беради, — дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Нурилла Маҳмадалиев. — Шу сабабли бўлса керак, қисқа давр ичида ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз харидоримизни топади. Келгусида ҳам ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, юртимиз тўқин-сочилигига муҳим ҳисса қўшаверамиз. Зеро эл-юрт равнақи йўлида меҳнат қилган тадбиркорга омад ёр бўлишини жуда яқини биламиз.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: корхона цехларидан лавҳалар.



СўРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Бизнес ва бизнесмен тушунчаси ҳақида билишни хоҳлаймиз. Шу ҳақда газетангизда маълумот берсангиз.

Наргиза Орипова, Бектемир тумани.

Бизнес ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилган таърифи-га кўра бу шахсий бойлик, фойда орттиришга қаратилган иш. Бизнес дегани бу пулдан пул келтириб чиқаришдир.

Бизнесмен эса бизнес билан шугулланувчи шахс. Яъни бизнес сўзи инглизча «Business» — иш, тан — одам маъносини билдиради. Пултопар кишини бизнесмен дейилади.

Тадқиқотларга кўра, ҳар 100 нафар бизнесмендан фақат 4 нафарига бой ва пулни ўз қўлида сақлаб қолган шахслардир. Бизнес — бу ўлик, яъни ҳаракатсиз қолган пулни тўплаш эмас, балки пулни ишлата билишдир. Чунки фақат ҳаракатдаги, даромад келтирувчи пулгина тирик пул бўлиши мумкин. Бизнеснинг меҳнати айирбошладилар. Пулни товарга, товарни пулга ва яна пулни товарга! Сирасини айтганда, бизнес бу рўхсат этилган, жамият аъзоларига наф келтирувчи фаолият билан шугулланиб, пул, даромад топишни билдиради.

ЁН ДАФТАРГА

Адаб — ақл суяничи
Адаб тадбиркорни энг чиройли ҳулқ билан қуроллантиради. Натижада ақл эгалари бундай тадбиркордан ҳар ишда рози бўлишади. Адабли тадбиркор эса қундан-қунга оёру топади, нуфузи ошади, ишлари равнок топади. Тадбиркорда адабнинг маъжудлиги — энг ноёб наъманнинг маъжудлигидир. Адаб икки хил — ҳикмат адаби ҳамда ҳизмат адаби бўлади. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етакласа, ҳизмат адаби бадавлатлик ва оёруга етказида. Ҳар икиси ҳам улғу фазилат бўлиб, бири азиз қилади, иккинчиси қўдрати.

Асло хавфсираманг
Билинги, фақат нархлар рақобати оркали талаб ва тақлиф мувозанати таъминланади. Нарх қанда паст бўлса талаб шунча ошади. Нархни кўтаришдан илоҳи борича қўринг. Фойда фақат бир-иккита буюмин қиммат сотишда эмас, балки икки минг, икки юз минг, икки миллион харидорга товарини уларга мос нархда сотишингиздир.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

«Оқшом» меҳмони бўлишди

Кейинги пайтларда ёшларни ҳар томонлама билимли, зукко ва комил инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида қўпгина самарали ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, пойтахт мактабларининг битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳарбий қисмлар фаолияти билан бевосита таништирилиб билим-қўнқималари бойитилмоқда.

Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши қошидаги Болалар ташкилоти ва пойтахтнинг «Оқшом» газеталари ҳамкорлигида бу борада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини унумли ўтказиш, қизиқаётган касблари бўйича амалий билимлар бериш мақсадида пойтахт умумтаълим мактаблари битирувчиларининг бир гуруҳи — ҳар бир тумандан журналистика ва полиграфия соҳасига қизиқиши бўлган ўсмирлар, туманлар Болалар ташкилотларининг раҳбарлари учун «Оқшом» газеталари тахририятига экскурсия уюштирилди.

Ўқувчилар тахририятдаги иш жараёни, мақолаларни компьютерларда оққа кўчириш, газеталарни саҳифалаш, ходимлар фаолияти билан бевосита танишишди.

Сўнг ўқувчиларнинг журналистлар билан мулоқоти ташкил этилди.

Дастлаб бош муҳаррир Акмал Ақромов «Оқшом» газеталарининг тарихи, бугунги кундаги фаолияти, умуман оммавий ахборот воситаларининг мақсад ва вазифалари, газетани чиқариш жараёнида фойдаланилаётган замонавий техник воситалар хусусида сўзлаб, унинг саҳифаларида пойтахт ёшлари фаолиятини ёритишга қандай ўрин берилаётгани, келажакка мўлжалланган режаларга батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, талабалар ўртасида танлов ўтказилиб, энг иқтидорли ёш қалам соҳиблари тахририятга шартнома асосида ўқишдан ажралмаган ҳолда ишга қабул қилинаётганини билдирди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Фурқат Маҳмудхўжаев газета ва ёшлар ижтимоий ҳаракати ўртасида йўлга қўйилган алоқалар, ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида мўлжалланаётган режалар хусусида сўзлади. Бундай учрашувлар жуда фойдали эканлигини таъкидлаб, ўзаро ҳамкорлик, бевосита мулоқотлар давом этишини айтиб ўтди.

Савол-жавоблар пайтида эса шахримиз ёшлари ўзларининг нақадар билимга интилувчан эканликларини намойиш этишди. Жумладан, Сергели туманидаги Болалар ташкилоти раиси Гулнур Қазакова тахририятлар фаолияти билан танишиш унинг эзгу орузи эканлигини таъкидлаб, матбуотимизда қўллаб қизикарли ва долзарб материаллар чоп этилиши билан қизикди. 120-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Виктор Морозова мактабларда ёш, иқтидорли қаламқашлар қўп эканлигини айтиб, «Оқшом» газеталари ходимларини ўқув масканларига кўпроқ бориб туришга қорлади.

Шайхонтоҳур тумани Болалар ташкилоти раиси Шаҳноза Даминовани Интернет тармоғидан қай тариқа фойдаланилиши қизиқтирган бўлса, шу тумандаги 40-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Камолитдин Сайдахмедов газета саҳифаларида пурмаёно, ёшлар учун фойдали мақолалар кўпроқ чоп этилиши тўғрисидаги тақлифини билдирди. Шунингдек, бошқа қўпчилик ёшлар ҳам «Оқшом» газеталарининг ўзига хос ютуқли томони нимада эканлиги, газетанинг техник жиҳозлари, энг яқини мақолалар қай тариқа рағбатлантирилиши, саҳифа-



УМИД НИҲОЛЛАРИ

Юқори натижалар кўрсатилди

Шаҳримизда юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг учинчи финал босқичи ўтган кунни ниҳоясига етди.

Шаҳримизнинг барча туманларидан келган 180 нафар спортга оид ўқувчилар «Динамо» стадионида енгил атлетиканинг ўн тўртта тури бўйича ғалаба учун кураш олиб бордилар. Қувонарли томони шундаки, бешлашувлар давомида ўсмирлар қўпгина турлар бўйича юқори натижаларга эришишди. Жумладан, қизлар ўртасида 100 метрга югуришда Миробод туманилик Лидия Шахворостова ўз рақиблирини анча орда қолдирган ҳолда 12,4 сони натижа билан зафар қучган бўлса, узунликка сакраш бўйича Шайхонтоҳур тумани вакили Тарас Моисеенко 6 метр 67 сантиметр масофани забт этиб қолиб чиқди. Қизлар ўртасида ушбу спорт тури бўйича 5 метр 49 сантиметр натижа билан Юлия Тарасова (Юнусобод) чемпиони бўлди.

Чилонзорлик Даниил Попов 400 метрга югуришда юқори 52,6 сони натижага қўрсатган ҳолда, қизлар ўртасида эса шу туман вакили Екатерина Пахоменко 200 метр масофани 27,5 сонияда босиб ўтиб ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ҳакамлар хайъати томонидан барча натижалар сарҳисоб қилинганда Юнусобод тумани ёш спорт хилосмандлари 250 очко жамғариб биринчи ўринни эгаллаганликлари маълум бўлди. Улардан атиги бир очко кам тўплаган Ҳамза тумани вакилларига иккинчи ўрин насиб этди. Мирзо Улғубек тумани ўқувчилари 240 очко билан учинчи ўринни банд этишди. Спорт турлари бўйича 1 ва 2-ўринларни эгаллаган ўсмирлар ва қизлар шаҳар тарма жамоаси таркибига олинди. Улар ўз қўнлиқ ўқув-машқ йиғинларини ўтаганларидан сўнг апрель ойининг охирида Фарғона шаҳрида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг республика финалида қатнашадилар.

(Ўз муҳбиримиз)



ларга материаллар қандай йиғилиши, мавзулар ранг-баранглиги, тираж қандай кўтарилиши тўғрисида ва яна қўллаб-саволлар бериб, жавоблар олишди. Энг муҳими, ёшларда газетани чиқариш жуда мураккаб жараён бўлиб, тезкорлик ва энг сўнгги янгиликларни бериш «Оқшом» газеталарининг асосий хусусияти эканлиги тўғрисида тушунча ҳосил бўлди.

Сўнг ўқувчилар «Шарқ» нашриёт-матбعا акциядорлик компаниясининг газеталарни чоп этиш цехида бўлиб тахририятда тайёрланган саҳифалар бу ерда қандай жараёнлардан ўтиши билан таништирилиб, бўёқ ҳиди анқиб турган янги газеталарни ўз қўлларига олишди.

Биз таассуротларга тўлиқ айрим ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини қозғаша туширдик.

Муҳаббат МУЗАФФАРОВА,

Юнусобод туманидаги Болалар ташкилоти раиси:

— Бугун ўзимни қизиқтирган жуда кўп билим-тушунчаларга эга бўлдим. Зеро, газета чиқариш жуда қийин жараён бўлиб, катта маҳорат, куч ва асабини талаб этишининг бевосита гувоҳиман. Шунинг учун ҳар бир киши газета, журнални қадрлаши кераклиги тўғрисидаги ҳулосага келдим.

Нусрат ХУСАНОВ,

Сергели туманидаги 8-мактабнинг 10-синф ўқувчиси:

— Халқаро журналист бўлиш ниятим бор. Ўқишдан бўш вақтларимда баъзи нарсаларни қоралаб тураман. Бугун газета чиқаришнинг қизик томонлари ҳам, мураккаб тарафлари ҳам мавжуд эканлигини кўрдим. Маълумотларни йиғиб, мақола ҳолига келтириш, мавзуларнинг ранг-баранглиги жуда қизиқарли жараён эканлигини билиб олдим, бинобарин газетанинг муштариёлар қўлига етиб бориши ортида жуда катта меҳнат ётибди. Менинг ҳам тинимсиз изланишга, билим-малакаларимни ошириб келгусида яқини журналист бўлишга интилишни янада қатъийлашди.

Шаҳримиз ёшлари «Оқшом» газеталари тахририятига уюштирилган экскурсиядан шу тариқа бой таассуротлар, кенг қўламдаги тушунчаларга эга бўлган ҳолда қайтишди. Экскурсия сўнггида Тошкент шаҳар Болалар ташкилоти раиси Гулчехра Олимжонова қизиқарли учрашув ва мулоқот учун тахририят ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Келгусида тахририят ходимларининг ўқувчилар билан учрашувлари бевосита мактабларда давом этишига келишиб олинди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: пойтахт мактаблари ўқувчиларининг «Оқшом» газеталари фаолияти билан танишуви. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



ТАДБИРЛАР

Нуронийлар иштирокида

директори З. Исомиддинов сўз олиб, катта авлодининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида гапирди ва кекса олма, фан арбоблари, фахрийларга совғалар тақдим этилди.

Ёшларни қизиқтирган саволларга фахрийлар жавоб бердилар. Кутубхонанинг тадбир ўтказилган катта залида «Қарияларни қадрлаш йилига бағишланади» деб номланган кўргазма намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ТАҚДИМОТ

Ёрдамчи қўлланма

Биз фуқаролар, фарзандларимизнинг мард, дуюрак, хушёр, ватанпарвар бўлишлари тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишимиз керак. Ана шундай эзгу мақсадлар йўлида қандай Фавкуллода вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида «Аҳолининг фавкуллода вазиятларда тўғри ҳаракатини таъминлаш» бўйича тайёрланган ўқув қўлланмалари ва плакатларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген фавкуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш, хавфсизлиқни таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланишдан иборатдир. Бу эса фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш, тезкор ҳаракат қилиш ва хавфсизлиқни ўз вақтида таъминлашни тақозо этади. Бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишда маъзуқ ўқув қўлланмалари ва плакатлар жуда

асқотади. Маъзуқ ўнга яқин китоб ва киркдан зиёб плакатлар ташкилот ва корхоналар йўналиши бўйича алоҳида тайёрланган.

— Президентимиз масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли офатлар ва фавкуллода вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб доимо таъкидлайдилар. Шу боис, ўтказилаётган тақдимот маросимининг асосий мақсади, — деди фуқаро муҳофазаси институти бошлиғи ўринбосари Анвар Мирхўжаев, — ҳаётимизда учраб турадиган табиий ҳамада техноген хусусиятли фавкуллода вазиятларда аҳолининг тўғри ҳаракатини таъминлаш, чоп этилган илмий-ўқув адабиётларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш ва тармок ташкилотлар билан бирга илмий изланишларда ўзаро ҳамкорликни ўрнатишдир.

Тайёрланган рисоалар ичидан иқтидорли шоир Искандар Раҳмоннинг «Асра болам, ў

ТЕРМИЗНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА ХАЙРАТГА СОЛАДИГАН ТОПИЛАМАЛАР

Шу даврга қадар Миср, Юнон, Римда бўлган тарихий воқеаларга асосланиб, улар яратган бунёдкорлик инсоният тараққиётининг негизи деб фикр юритиларди. Ваҳоланки, Далварзинтепада олиб борилган археологик қазилмалар шуни кўрсатиб турибдики, бу ерда эрамыздан олдин ҳам яшаган аждодларимиз маънавий ҳаёти юксак бўлган.

Маълумки, эрамыздан аввалги 329 йили Искандар Зулқарнайн (Македонский) қўшинлари Бактрия давлатини босиб олади. Жаҳонгир вафотидан кейин, бу давлат савалитлар тасарруфига ўтади. Эрамыздан олдинги III аср охирида Диодот исмли саркарда ҳокимиятини қўлга олади ва Бактрия — Юнон давлатини ташкил қилади. Аммо II асрга келиб, у Марказий Туркистон ҳудудидида бир қанча майда қабилалар иттифоқи зарбасига учрайди. Булар орасида Гай-Гуй Шьян бошлиқ қабилла устун келиб, барча тарқоқ қабилаларни бирлаштириб, Кушон давлатига асос қолди. Бу подшолик Хиндистонга бостириб кириб, у ерларда қолган юнон қўшинлари қолдиқларини ҳам яқсон қилди. Натижада ўша даврдаги энг йирик марказлашган давлат — Кушон давлати барпо этилди. Буюк империянинг сарҳадлари жанубда Хиндистон, шарқда Хитой, ғарбда Парфия (ҳозирги Эрон ва Туркменистон) давлатларига бориб тақалган. Кишилик жамияти энг катта тараққиёт ва савдо йўли ҳисобланган Буюк Ипак йўли Хитойдан бошланиб, Кушон империяси ерлари орқали Римга боради.

Сурхон водийсида жойлашган Далварзинтепа Кушон давлатининг пойтахти бўлган. Унда олиб борилган қазилмалар натижасида топишган турли санъат асарлари ва бошқа уй-анжом буюмлари, археологик ёдгорликлар Кушон давлатининг нақадар юксак тараққиёт қилганлигини далолат беради. Ушбу водийда яшаган ота-боболаримиз томонидан лойдан ва охактошдан чиройли шаклдаги бир-биридан нафис ишланган турли буюмлар пишиқ кўриниши эса ҳар қандай одамни лол қолдириб, ҳайратга солади. Қулочлик санъати жуда ҳам ривожланган. Улар лойдан ясаган буюмларини махсус ҳумдонларда тоблаганлар. Тоблаш усулини мукаммал билганликлари туфайли қамидида 2100 йил ер остида қолиб кетган, қазиб олинган айрим буюмлар майдаланмай, бутун ҳолича сақланиб қолган. Шаҳарлар оддий пахсадан ёки хом гиштдан қурилган. Лекин бу қурилиш материаллари гўят пишиқлиги, мустаҳкамлиги натижасида табиий таъсирларга қарамасдан, шу кунгача яхши сақланган. Ваҳоланки, ўша даврда Юнон ва римликлар шаҳарларни фақат тошдан қурилган.

Кушонликлар мис ва бошқа металлларга одам тасвирини тушириб, зарб қилиш усулини ҳам қадимдан билишган. Эрамыздан олдинги II-III асрда зарб қилинган тангаларга туширилган ҳукмдор тасвирини ҳамда геометрик шаклини аниқлиги ханузгача кўп олимларни ҳайратга солиб, ўйлантирмоқда. Археологик қазилмалар пайтида аниқланган иморатларнинг жуда ҳам нодир тарх усули билан нақшланган ёғоч қолдиқлари ҳамда тахталарда от чопириб кетаётган сарбоз тасвири топилади. Қарангки, ҳудудимизда антик даврга мансуб дунёвий мазмундаги Будда тасвири туширилган санъат дурдонаси ҳам мавжуд экан. Далварзинтепада классик антик шаҳарларга оид тафсилотларнинг барчаси жамулжамдир. Соф олтиндан

Зеро, ёшлик баҳор айёми. Бу уйғониш, илҳомланиш, юракка куч-қувват бериш фаслидир. Бу даврда неки орзу-истак бўлса уни юзага чиқариш, турли ноҳуш воқеаларнинг олдини олиш имкони яратилган бўлади.

Бу тўлқинли йилларда сув келса симириб, тош келса кемириб ўтса бўлади. Ҳатто келган бало-қазо ҳам ундан юз ўтириши табиий ҳолдир. Энг муҳими ўткир нигоҳи билан узоқ манзилни қўра олувчи инсон бу фасл келгуси фасллар учун мустақкам замин эканлигини яхши биларди.

Кексаликчи? Бу табиат қонунига мувофиқ куз фаслига тўғри келади. Бу фаслда дов-дарактлар жонзот учун ҳосил бергани каби одамзот ҳам улар самарасини келажак учун, жамият учун беради.

Бу фасл ўз мазмунини билан ҳазонрезги даври деб номланади. Уларнинг ям-яшил барглари сарғиш тус олади, эстан совуқ еллардан паноҳ изайди.

Шу сабаб атоқли шоиримиз Шухрат ака эътироф этганларидек:

Кексалик ханжари
солмас қани,
Белимдан қувватим
олмас қани.
Севидан юрагим
толмас қани,

Айтингчи,
илоҳи борму ёронлар...
Айни шу инсон қўшгани билан қўша қариб умр шукронасини бирга баҳам қўришга муяссар бўлса, чор атрофидида ақлли ва зийрак

Мен шунга ўхшаш дуоси мустажа бўлган бир бахтли оила, унинг устунлари ҳисобланган нурунийлар — Сирожиддин ҳожи Ориф ўғли ва Кифоятхон ая ҳақида муҳтасар ҳикоя қилмоқчиман.

Тарихий Яккасарой туманининг Муқимий номида маҳалла аҳли бу оилани ҳурмат билан тилга олишади. Бу пиру бадавлат инсонларга дилдан ҳавас қилишади. Шулар каби кексалик гаштини сурайлик, деб ният қилишади. Сирожиддин акани нафақа қат маҳалла ва туман аҳли, балки бутун шаҳар аҳли танийди десам муболага бўлмайди. Чунки бу табаррук отахон Иккинчи жаҳон урушининг

Хар йили баҳор фаслида Чилонзор туманидаги Мирзо Улугбек номида маданият ва истироҳат боғига Тошкент шаҳар ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг кўп минг сонли аъзолари ташриф буюришади. Шу кунни боғда меҳрга ташна инсонлар ва уларнинг оила аъзолари учун анъанавий тарзда концерт томошалари уюштирилади. Моҳир ошпазлар кўли билан тайёрланган палов ва бир пиёла чой устида жамият аъзолари дилдан сўхбат қуриб келгуси режаларни ҳам белгилаб олишади. Жорий йилда ҳам бу анъана бузилмади. Аксинча, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, маданият ишлари бошқармаси ҳомийликларидида пойтахти-

то галаба кунига қатнашиб, сўнгра пойтахтимизнинг турли идораларида турли лавозимларда фаолият кўрсатиларди. Ўзларининг одамийлик, меҳнатсеварлик, ниҳоятда камтарлик хислат-

лари билан кўпчиликнинг ҳурмат-эҳтирomini қозонгандилар. Бу файзли инсоннинг Кифоятхон ая билан яхши ният ила бир ёстиқча бош қўйиш бахтига муяссар бўлишган кунига ҳам роппа-роса 55 йил бўлибди. Аҳиллик ва ҳалоллик билан кеҳириллаётган турмуш уларга норғил тўрт баҳодир ва доно бир қиз неъматини ато этди. Кифоятхон ая оқ ювиб, оқ тараб, ҳалол лўқма билан

Рубоийлар НАЗМ

Лаҳзалик нур эрур, шарҳ-и «нуруний»
Ярқ этиб сўндами, ўтгани фойий.
Момо-ю, бобони авайла эй, жон,
Шулар бўлган эди, умрингга ҳомий.

Муроднинг ёнмоқдир, ёнавер қуёш,
Эзгулик дуосин олавер қуёш.
Тангри чирогисен, сўнмоқ хиёнат
Диёнат ўқидида қолавер қуёш.

Яхшилик чин даст-дир, ўзга чин даст йўқ.
Эзгулик майида гуноҳ йўқ, маст йўқ.
Арши-аълодадир бору йўғимиз.
Чархда бўхтончидан тўбанроқ паст йўқ.

Сочлари оқариб, бўкилганда тиз,
Мункайганга кулма эй, васли азиз.
Кеча-кун, сенингдек суйгинчак эди,
Бугун, кирғоқдаги мунис бир ялпиз.

Буюк сўз ҳақимдир, беъмори менман,
Абад таваллода, бедори менман.
Шоҳ ориф бир мисра шиғо берганда,
Кафанга ўт қўйган «беор» менман.

Ўқинма эзганда ёзуқда бори,
Хар қандай қишининг ҳам, бордир баҳори.
Ўқинчдан рўёбга чиқса гар тилак,
Олам бўлар эди, йиғи бозори.

Турсун МУҲАММАД



Дада, шаҳар кўчаларида бунча машиналар кўп?

САХОВАТ

Кўнгиллар қувончга тўлди

Хар йили баҳор фаслида Чилонзор туманидаги Мирзо Улугбек номида маданият ва истироҳат боғига Тошкент шаҳар ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг кўп минг сонли аъзолари ташриф буюришади. Шу кунни боғда меҳрга ташна инсонлар ва уларнинг оила аъзолари учун анъанавий тарзда концерт томошалари уюштирилади. Моҳир ошпазлар кўли билан тайёрланган палов ва бир пиёла чой устида жамият аъзолари дилдан сўхбат қуриб келгуси режаларни ҳам белгилаб олишади. Жорий йилда ҳам бу анъана бузилмади. Аксинча, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, маданият ишлари бошқармаси ҳомийликларидида пойтахти-

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

сыйлаган беш нафар фарзанд ҳам ота-оналари каби эл назарига тушидилар, халқ хизматига бел боғлаб «Отанга раҳмат» деган олқишга сазовор бўдилар.

Ҳожи бобо ширин ва маъноли ҳаёт асосини доимий ҳаракатда деб билдилар. Бир кам саксонга қадам қўйган бўлишларига қарамай ҳамон меҳнат қилмоқдалар. Қоматларини тик тутиб, тонг отмасдан севган машғулотларига — спорт-соғломлаштириш мажмуига пиёда йўл оладилар, боғ юмушлари билан машғул бўладилар, маҳалла хизматида жонбозлик кўрсатдилар. 12 та невар ва 5 та эваранинг бобоси сифатида уларга доимо меҳрибон, ҳар бир ишда бош-қошидилар.

— Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 2002 йил — Қарияларни қаршаш йили деб номланди, — дейдилар Сирожиддин ака. — Бу ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз. Кексалик, нурунийлик. Бу номга муяссар бўлиш улуг неъматдир. Шу ном остида юқорида зикр этган отахон-онахонларимиздек умр кечирини эса ҳақиқий кексалик бахтидир.

Шухур ДАДАШ.
СУРАТДА: Сирожиддин
ота ва Кифоятхон ая.

Мустақиллик, кўндан одамларимиз елкасини босиб келган зил-замбил мутеълик юкидан буткул озод этганига шукроналар бўлсин!

— Умрингга энг бахтли онларинг қачон бўлган?
— Меҳнатга шўнган пайтларим.

— Энг катта бойлик деб нимани ҳисоблайсиз?
— Китобни. Энг азиз сунъичқ дўст тўғрисида уйлаганда ҳам кўз олдимга дастлаб китоб келади.

— Тузук яшаб, маъноли умр кечирмай туриб, ҳаётда бирон яхши из қолдириб мумкинмас.

Бировларнинг муваффақиятини қўриб тан олиш, фавқулодда билиш — олижаноблик. Ахир ўша одам ўзининг фидойи ишлари билан эл-юртимиз шаънига шайн қўшибди экан, бу ҳаммамизнинг қувончимиз, ифтихоримиз эмасми!

Ота-онани рози қилишнинг уч хил кўриниши бор экан: яхши муомала билан иззатларини жойига келтириш, хизматларини адо этиб оғирларини енгил қилиш, имконинг борида моддий томондан қўллаб туриш.

Узоқ умр қўриш сабаблари: аввали Худодан. Қолаверса, сабр-тоқатли бўлиб, феълини кенг қилиб, ҳар қандай оғир шароитда ҳам тушунлиққа тушмасдан, қўйинчиликларни мардона енгил, шукрона билан яшашда...

Гоҳи денгизда пўртана бўлса, сал-пал бошлари чиқиб турган қоя тошларни ҳам сув қўмиб кетай дейди. Шунда қўқчи, қаддини баянда кўтарганча қаҳ-қаҳлаб, қоя тошга:

— Қара, жамики одам мени яққол қўриб турибди! — деб марғуруланди.
Қоя тош ҳам бўш келимасдан қўқмага дейди:
— Кўп қарилмай! Агар биз бўлмасак, сени ким қўтариб туради? Аллақачон денгиз тубига қўқиб кетиб, ном-нишонинг қолмасди!

Икки қоя тош сўхбати:
Каттаси — устиди дарахт ўсиб, бағри ёрилиб кетгани — кичигига дейди:

тиллаганда меҳмон бошлаб келса. «Вой ўлий, палон нарсаси йўқ эди-ку!» деб эрининг руҳини туширмасдан, ўша йўқ нарсани сенин қўйишдан олчиқиб бўлса-да, меҳмоннинг иззатини келтириш тадоригини қўради...

Кариганда ҳам келажакка ишончини йўқотмаган одам чинакам мард, ичони бутун одамдир.

Кишилар миннатидан ҳалос бўлиб келса, пешона тери тўкиб ишлашдан эринма.

Одамнинг фикр юритишига қараб кимлигини билиб олиш мумкин.

Қартайгандаёки ёшлиқдаги барча хусусиятларини сақлаб қолсанг энг омадли одам ҳисобланасан.

Инсонни ҳамма ғам-ташвишлардан, мушкул-лиқлардан қутқарадиган нарсаси — меҳнатдир.

Ёзувчилик ҳунари даставвал зарур сўз, ибораларни ўз ўрнига қўйиб ишлата билишда қўринади.

Камтар, андишали ва тортинчоқ бўлсангиз бошқаларга яхши, чунки ҳеч кимга малолигиз келмайди. Ўзингизга қийин, негаки баъзи бир нарсалардан бебаҳра қоласиз, эришадиган нарсаларнингизга ҳам кечиктириб эришасиз. Қайсини-си маъқул, ўзингиз танланг.

Ёзувчи ўз таржимаи ҳолини бойитмас экан, китобхонга янги гап айтмайди.

Одамлар борки, нимага эришган бўлса хийлаю найранг, говгою тўполон орқали эришган. Одамлар борки, нимага эришган бўлса, ҳалол хизмату, ҳурмати орқали эришган.

Меҳнат кишиси асарларимизнинг чин қаҳрамонлари бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши керак.

Умуман яхши таваққулсиз бирон жиддий натижага эришиш амримаҳол.

Башарти бирон ижодкор ўз меҳнатига муко-

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН
ҲАКИМ НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Кўнғил изҳори
(Ён қағарларимдан олинган термалар)

— Устингда дарахт ниҳоли ўсиб чиқишига йўл қўя кўрма! Сени ҳам менга ўхшатиб байрон этади!

Кичик қоя тош унга жавоб беради:
— Қўябер, умид билан бағрингда ниҳол дунёга келибдими, гўнчасида сўлмасин, униб ўса берсин!

Оила — давлат бийосининг устунларидан бири. Шу устун қанчалик мустаҳкам бўлса, давлат шунча мустаҳкам бўлади.

Ҳаёт ташвишларидан ўзини четга олқочган одамнинг бири икки бўлмаслигини қўриб келаямиз.

Бемақсад яшаётган одамнинг ҳаётда борию йўғи аҳамиятсиз.

Бахт қатта лавозимлар, бойликлар билан даранг-дурдун кўч кечирилмасда, камтарона бўлсада оилавий тотувлик билан, бола-чақадан мамун бўлиб, тинч-оқойишта ҳаёт кечирилса.

Қон-қон пул асаридан кўра бир ночор бандани оқилдан сарғаб қилишнинг савоби ортиқроқ.

Бахтимизга яхшилар бор. Шулар дунёни кўтариб туради. Шулар бўлмаса-чи, худо қўрсатмасин, олам ағдар-тўнтар бўлиб кетарди.

Ижод билан шуғулланиш — кўнгилдаги энг нозик сирлар ва юксак ният-мақсадларни одамлар билан урқоқлаштириш.

Исрофгарчилик хорлик келтиради. Айниқса кучини, вақтини, ақли беҳуда нарсаларга сарфлаб юборишдан ёмони йўқ.

Ҳеч нарсаси одам қадр-қимматини меҳнатчилик қутармайди.

Тирговичга ўрганма. Тирговичга суялган дарахт қаттиқ бўронда тиргович билан бирга ағдарилади.

Ташвишсиз ўтган кунини кун демайман.

Кишининг ҳусни бировларга ҳолис хизмат қилаётганда ақлоқдор оқилларкан.

Бировнинг оҳорини тўқиб билан лаззатланишдан кўра пасткашлик йўқ.

Ўз ижодий вазифамни — кичик кўринган нарсаларнинг катта маъносини, оддий тўлган ҳодиса, фактларнинг фақуллодда мазмунини очиб бера олишда деб биламан.

Биров «зериқдим» деса ҳайрон қоламан. Наҳотки эси-хуши бутун одам ўзининг зериқишига йўл қўйса!

«Ёмон йўлга юрмасанг, кишилар дилини оғиритмасан, ҳаром-ҳарш эмасанг, ҳалол меҳнат қилсанг, шулар ҳам тоат-ободатга қўшилиб» дердилар дадам раҳматлик.

Эътиқод, имон — йўлчи юлдуз, чирок. Чирок қанча равшан ёнса, шунча йўлни аниқ кўраемиз.

Нафосат ҳақида сўз юритиш нафис ва гўзал нарсалар — бадий адабиёт ва санъатга тегишли хусусиятлар ҳақида сўз юритиш дедим. Яхши бадий асарни ўқиб, қизикarli спектакль, кинофильм ёки нафис расм полотносини, архитектура ёдгорлигини қўриб, улардан олинган завқ ва мароқ устида гаплашасан, дедим биз нафосат сирларидан воқиф бўлган бўламиз.

Айрим одамлар ўз ҳузуру-халоватини ҳамма нарсадан устун қўрадилар. Атрофдагиларнинг безовта ҳаётларини чивин қаҳқанчалик сезмайдилар.

Аҳлук — ўз-ўзини тутат билиш санъати.

Одамнинг жисми овқатдан куч олса, ақли ҳикматдан куч олади.

Қайси давр бўлмасин барибир бадий ижоднинг ўз ягона қонунчи бор — яъни ҳаёт ҳақиқатини, реаликни қўйлаш. Аммо ўткинчи сивасат шўро мафураси ижода ўз таъсири (хар хил усуллар билан) ўтказиб туради. Биров бу таъсирга қўпроқ, биров озорқ берилди. Бу таъсирини илоҳи борица четлаб ўтиб яратилган асарлар яшаб қолди. Бировада қўпроқ, бировада озорқ...

Эски дафтарларни арақлаш билан чангини қўқиб, ҳавони бўзиш зарур келибдими?

Насрий асарда воқеа географияси аниқ бўлса ёзувчига ҳам, ўқувчига ҳам қулай. Бўлмаса ҳар иккинчи ҳам шағурдаги қўқилади.

Бахтли бўлиш учун ҳаётга, оилага, Ватанга, меҳнатинга чексиз муҳаббат зарур. Бусиз тўла маънодаги бахт йўқ.

Шундай лобар хотинини биламиз: Эри бозордан нарсаси қўтариб келганда, «Нега кўпроқ опкелмадингиз?», «Палон нарсаям опкелсангиз бўларкан» демасдан, «Яхши нарсаси опкелибсиз» дея кўнглини қўтариб қўради. Ийнакейин, эри ку-

фот истаб қолса, болаларнинг ўз онасига қилган хизмати учун ҳақ талаб қилишига ўхшаб кетади.

Эзма одам ўз ризқини ҳам, бошқалар ризқини ҳам қўради. Уни исрофгар қатори жазога торти керак.

Ёмон асар ўқиси — ўтмас устарада соч олдиришдан ёмон.

Ижодкорнинг муваффақияти ўзини ижодий ишга қанчалик бағишлай қўлишига боғлиқ.

Шон-шухратни ёмон қўрадиган одам йўқ. Лекин унинг кетидан қувган одам қоқилиб мункиб кетиши ҳеч гапмас.

Ёзда қиш ғамини ёйишни чумолидан ўрганиш керак.

Баракали қўлда пуч ёнғоқ ҳам тўқ бўлиб кетади.

Иродаси сўст ва анойи одамгина бировларнинг ҳушомадига очиди. Ҳушомад ҳам — пора. Ҳушомадгўйлик — уячи нотаваонлик нишониси.

Душманнинг битта бўлсам хотиржамликка берилманг.

Ўзинга раво қўрмагани бировга раво қўриш инсофнамас.

— Сени энг кўп севиштирган нарсаси нима?
— Дўстларимнинг борлиги.
— Сени нимадан кўпроқ қўрқасан?
— Дўстсиз қолишдан.

Томизгиси яхши қатик — тез ивийди.

Кўпчиликка қўшилломай ўз қобилида биқиниб яшаган одамдан бирон ёруғлик кутиб бўлармиди?

Эр-хотин қўша қаригач, бир-бирига меҳмондай бўлиб қолган. Меҳмонни сийлаш — ҳамманинг асил иши.

Ўзи тўқ, аммо кўзи оқ одам фақат ўзинимас, бошқаларни ҳам қийнайди.

Кариганинга ҳам ҳаётга муҳаббатинг сови-магани маъқул экан. Шу нарсаси сени узоққа етак-лайди.

Талант нима? Бу — ҳаётни бадий тасвирлаш орқали ўзининг йил бирога тўлу, муросили ҳаёт кечирганини қўриқ. Бунинг шўр сабаби — кўнғиллар яқинлигида бўлса керак.

Маънавий бойлик деганда — билим, маданият, дунёқараш, малака, қобилият, ҳунарлар қўзда тутилади. Ана шулар ёнига албатта одамшавандалик ҳам қўшилса, узоққа қўзғуда ярашиб туради.

Феъл-ҳуви ва миқоз турлича бўлган эр-хотиннинг олтиши йил бирога тўлу, муросили ҳаёт кечирганини қўриқ. Бунинг шўр сабаби — кўнғиллар яқинлигида бўлса керак.

Ҳойидан бахт келишини кутиб ўтириш оқилнинг ишмас.

Ғам-ташвишлардан ҳоли, юзи ёруғ бўлиб, бе-малол яшашни истаган одам меҳнат билан дўстлашад.

«Сиз нима сабабдан меҳнат мавзусида кўп ёзасиз» деб сўрабдилар, жавобим шундай:
— Инсонийлик даставвал кишининг ижтимоий меҳнатга муносабатиди қўринади. Меҳнат виждоний иш бўлиб, оила ва жамият оиладаги инсоний бурчи адо этишидир. Меҳнатни севган одамгина меҳнаткаш кишиларни севади, қадрлайди.

Мен меҳнат мавзуси деганда меҳнатнинг ўзини (иш жаравини) натуралистик тасвирлаб беришни ўғайман, балки меҳнатнинг романтикаси, завқ-шавқини, меҳнатдан келган маънавий қонилиқни, шодлиқни, ниҳоят меҳнатнинг киши ахлоқий камолотидаги ролини қўзда тутаман.

Ёзувчи ахлоға мустақиллик берган неъматларнинг энг улуги — иход эркинлиги бўлди. Бунга битта мисолни, айбга қўшилмаса, ўз ижодимдан келтирай: олтиши йиллигим олдидан дўстлар мендан болагим ҳақида хотира ёзишни сўрашди. Бу мени жуда қизиқтирди. Аммо бунга бажорамдим. Чунки болагимнинг ёзаси, отамнинг қўри, онамнинг отин бўлиб, бола ўқитиларди, мен шу эски мактабда хат-савод чиқарганимни қўрсатиш керак бўларди. Бунга эса шўро мафураси асло йўл қўймасди. Ичимда узоқ сақланиб қолган бу орзуни мустақиллик йилларида адо эти олдим. Бу — «Оқ фотиха» номида босилиб чиққан болалик сўғашуларини (хотира қиссам) бўлди. «Дадамни топиб беринглар» номида қиссам, яна кўпгина ҳикояларим ҳам мустақилликнинг қаламашга берган имкониятлари туфайли юзга келди.

— Бахтимизис?
— Худого шукр, бахтиман. Бола-чақаларим уй-жой бўлиб, ўзаридан тинишиб, тинч-тотува яшаб, зиммаларидаги эл-юрт вазифаларини яхши адо этиб туришган экан, бундан ортиқ бахту давлат бори?

